
ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ФАРҒОНА ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАГИ СЕССИЯСИДА ВИЛОЯТДА ИҚТИСОД, ИЖТИМОЙ ВА ИНВЕСТИЦИЯ ЙЎНАЛИШЛАРИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Вилоят ҳокимлиги катта мажлислар залида Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдаги олтмиш бешинчи сессияси бўлиб ўтди.

Сессия ишида вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров, вилоятдан сайланган Олий Мажлис Сенати аъзолари, вилоят Кенгаши депутатлари, вилоят ҳокимининг тегишли ўринбосарлари, кун тартибига киритилган масалаларга алоқадор давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари иштирок этдилар.

Сессияни вилоят ҳокими, халқ депутатлари вилоят Кенгаши раиси Хайрулло Бозоров олиб борди.

Дастлаб вилоят ҳокимининг ўринбосари - вилоят инвестиция, саноат ва савдо бошқармаси бошлиғи Нуриддин Мамажонов вилоятимизда хорижий инвестицияларни ўзлаштириш, экспорт ва ташқи савдо географиясини ривожлантириш ҳамда ҳудудий инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш борасида 2023 йилда амалга оширилган ишлар таҳлиliga тўхталди ҳамда бу борада жорий йилда амалга ошириладиган аниқ чора-тадбирлар ҳақида маълумот берди.

Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси бошлиғи Муҳаммадамин Ғаниев эса вилоятда ёшлар сиёсати соҳасидаги ишлар натижадорлигини ошириш ҳамда улар билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш борасида 2023 йилда амалга оширилган ишлар таҳлили ҳақида ахборот бериб, 2024 йилда амалга ошириладиган чора-тадбирлар билан таништирди.

Фарғона вилоятининг 2023 йил якунлари билан эришилган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари таҳлиliga эътибор қаратган вилоят ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари котибияти мудир Махсудали Сайдуллаев маърузаси давомида 2024 йил 1-чорагида кутилаётган натижалар бўйича ҳам маълум қилди.

Сессияда шунингдек, Марғилон шаҳар ҳудудида “Маънавият-маърифат мажмуаси”ни ташкил қилиш лойиҳасини амалга ошириш бўйича ташаббус дастлабки тарзда кўриб чиқилди.

Ҳар бир кўрилган масала юзасидан савол-жавоблар ўтказилиб, билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар асосида халқ депутатлари вилоят кенгашининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-02-28 12:31:48